

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

"Ўзсувтаъминот" АЖ
бошқарув раисининг уринбосари,
харид комиссиясиning раиси



2022 йил «

X. Рахматуллаев

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ХАРИД ҲУЖЖАТЛАРИ

Танлаш предмети: "Ўзсувтаъминот" акциядорлик жамияти тизимидағи ташкилотлар учун веб-сайтлар жорий этиш, шунингдек сайтылар ва жамият ахборот тизимларини техник қўллаб-қувватлаш.

Буюртмачи: "Ўзсувтаъминот акциядорлик жамияти"

Тошкент – 2022 й.

Мундарижа

- I. Танлаш иштирокчиси учун йўриқнома.**
- II. Техник қисм.**
- III. Молиявий қисм.**
- IV. Баҳолаш мезонлари**

Танлаш ҳужжатларига илова: Шартнома лойиҳаси.

I. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1	Умумий қоидалар	1.1	Ушбу энг яхши таклифларни танлаш (кейинги ўринларда - танлаш) харид хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сон "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуни талаблари асосида ишлаб чиқилган (кейинги ўринларда - Қонун).
		1.2	Танлаш предмети: "Ўзсувтъминот" акциядорлик жамияти тизимидағи ташкилотлар учун веб-сайтлар жорий этиш, шунингдек сайтлар ва жамият ахборот тизимларини техник кўллаб-қувватлаш"
		1.3	<p>Танлаш (лойиҳани амалга ошириш) учун асос:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 6 октябрдаги ПФ-6079-сонли фармони.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининиг "Давлат иштирокидаги хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналарининг расмий веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида "ги 2021 йил 19 февральдаги ВМ-81-сонли қарори.</p>
		1.4	Танлашнинг энг юқори қиймати ва валютаси Танлаш хужжатларининг Молиявий қисмда келтирилган
		1.5	<p>Танлаш таклифи қисмлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Малакавий хужжатлар (<u>малакавий хужжатлар рўйхати ва уларнинг шакллари ушбу йўриқномага ишлов қилинган</u>) - Техник қисм; - Молиявий қисм.
		1.6	Харид комиссияси томонидан таклифларни баҳолаш электрон шаклда амалга оширилади.
2	Танлаш ташкилотчиси	2.1	<p>Буюртмачи: "Ўзсувтъминот" Акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Буюртмачи).</p> <p>Буюртмачининг Юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100000 – Тошкент ш., Ниезбек йули, 1.</p> <p>Тошкент ш., "Ипотека-банк" АТИБ Мөхнат филиали х/р 2021 0000 5051 9488 2001 МФО: 00423 ИНН 307 224 696</p>
		2.2	Буюртмачи жойлашган манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100053 - Ташкент ш., Боғишамол кўчаси, 151-уй.
		2.3	Буюртмачининг алоқа учун ходими: Ахборот технологиялари бошқармаси бошлиғи – Ибрагимов Джамшид тел.: +(998) 90 980-05-00 +(998) 55 503-70-09
		2.4	Танлаш комиссияси: "Ўзсувтъминот" Акциядорлик жамияти Харид комиссияси (кейинги ўринларда – Харид

			комиссияси).
		2.5	Шартнома тузувчи: "Ўзсуvtаъминот" Акциядорлик жамияти
3	Танлаш иштирокчиси	3.1	Танлашда, ушбу йўриқноманинг 4.3. бандда келтирилган юридик шахслардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси резидентлари қатнашишлари мумкин.
4	Танлаш ўтказиш тартиби	4.1	Танлашда қатнашиш учун танлаш иштирокчиси: а) маҳсус электрон порталда жойлаштирилган танлов ҳужжатлари билан танишиши ва электрон шаклини юклаб олиши, б) малака ҳужжатлари ва таклифларни ушбу Йўриқнома ва танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга мувофиқ электрон шаклда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилан тартибда тақдим этади.
		4.2	Иштирокчилар қўйидаги мезонларга жавоб берини керак: шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлиши; шартнома тузиш учун қонуний хукуқка эга бўлиши; инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаган бўлиши; солиқлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги; ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилмаган бўлиши; буортмачи билан суд ёки ҳакамлик ҳолатида бўлмаслиги.
		4.3	Буортмачи қўйидаги ҳолларда иштирокчини танлашдан четлатишга ҳақли: у тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса; унда солиқлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса; ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса; буортмачи билан суд ёки ҳакамлик ҳолатида бўлса; иштирокчи харид қилиш ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса; иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буортмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буортмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки товар (ишлар, хизматлар)ни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса; иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилланганлик ҳоллари аниqlанса.

5	Танлаш тили	5.1	Иштирокчилар томонидан танлашда иштирок этиш учун таклиф ва у билан боғлиқ барча ҳужжатлар давлат тили ёки рус тилида тайёрланади.
6	Танлаш таклифини бериш тартиби	6.1	Танлаш иштирокчиларининг таклифлари ушбу йўриқнома, танлаш ҳужжатлари талабларига биноан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилан тартибда берилади.
		6.2	Танлаш иштирокчиси: -тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади; -фақат битта таклиф беришга ҳақли; - таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.
7	Танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш	7.1	Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишининг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Ишларни, хизматларни ўзгартиришга йўл кўйилмайди.
8	Таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш	8.1	Танлаш электрон шаклда ўтказилади.
		8.2	Агар таклифни киритган танлаш иштирокчиси Қонунда белгиланган талабларга мос келмаса ёхуд танлов иштирокчисининг таклифи танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаса, харид комиссияси таклифни рад этади.
		8.3	Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборот ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида танлашда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.
		8.4	Танлаш ғолибини танлаш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида аниқлаш учун харид комиссияси рад этилмаган таклифларни баҳолашни амалга оширади. Танлаш таклифини баҳолаш икки босқич натижалари асосида амалга оширилади: 1) Малакавий-техник баҳолаш (Харид комиссияси томонидан амалга оширилади); 2) Молиявий баҳолаш (электрон тизим орқали амалга оширилади).
		8.5	Танлаш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.
		8.6	Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари Харид комиссиясининг баённомасида қайд этилади.

		8.7	<p>Танлашнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлаш натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли.</p> <p>Тушунтиришлар қуйидаги тартибда тақдим этилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ёзма мурожаат қилинганда - ёзма равишда; - телефон ва электрон почта орқали мурожаат қилинганда - оғзаки; - иштирокчи шахсан мурожаат қилганда - сұхбат орқали.
9	Бошқа талаблар	9.1	<p>Иштирокчининг тендер ҳужжатлари бўйича саволлари бўлса, у таклифларни топшириш муддати тугашидан икки кун олдин очиқ электрон чат орқали Буюртмачига сўров юбориши мумкин.</p> <p>Буюртмачи сўровни олган кундан бошлаб икки кун ичида очиқ электрон чат орқали сўровга тушунтириш юбориши шарт.</p> <p>Харид қилиш ҳужжатлари ва харид қилиш тартиб-таомили хусусида тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.</p>
		9.2	<p>Қуйидаги ҳолларда танлаш ўтказилмаган деб топилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - танлашда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда; - танлаш таклифларини кўриб чиқиш мобайнида харид комиссияси таклифлар Қонунга ва танлаш ҳужжатларига мос келмаганлиги сабабли барча таклифларни рад этган бўлса.
		9.3	<p>Буюртмачи ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда давлат харидини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Харид бекор қилинган тақдирда давлат буюртмачиси бундай қарор қабул қилингандан кейин уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизими орқали маҳсус ахборот порталида мазкур қарорнинг асослантирилган сабабларини эълон қиласди.</p>
10	Шартнома тузиш	10.1	<p>Танлаш натижаларига кўра ғолиб эълон қилингандан сўнг икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар келиб тушмаган бўлса, танлаш ҳужжатлари шартлари асосида 10 (ўн) кун ичида ғолиб (ижрочи) билан шартнома тузилади (<i>Танлаш ҳужжатларига илова</i>).</p>
		10.2	<p>Ғолиб томонидан шартномани кечикиб имзолаш шартнома тузишни рад этиш сифатида қаралиши мумкин. Бу ҳолда навбатдаги (баҳолаш натижасига кўра иккинчи ўринни эгаллаган-резерв) иштирокчининг таклифи кўриб чиқиласди. Бунда захирадаги ғолиб, ғолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.</p>

Малакавий ҳужжатлар рўйхати ва уларнинг шакллари

1. Иштирокчи ҳақида умумий маълумот (1-шакл) (*Иштирокчининг муҳри билан тасдиқланган ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганилиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси*)
2. Иштирокчи тўғрисида инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд эмаслиги, соликлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик йўқлиги, тугатилиш ёки банкротлик босқичида эмаслиги, буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик ҳолатида эмаслиги, шунингдек, имтиёзли солик режимини тақдим этувчи ва/ёки молиявий операцияларни амалга оширишда ахборотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатларда ёки ҳудудларда (оффшор зоналар) банк ҳисобварақлари йўқлиги бўйича кафолат хати (2-шакл).
3. Харид тартиб-таомилларида коррупция кўринишларига йўл қўймаслик юзасидан ариза (3-шакл).

ИШТИРОКЧИ БЛАНКИДА

№: _____

Сана: _____

**“Ўзсувтаъминот” АЖ
Харид комиссиясига**

Иштирокчи ҳақида умумий маълумот

1	Юридик шахснинг ташкилий-хуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи	
2	Рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумот (рўйхатга олиш санаси, рўйхатга олиш рақами, рўйхатга олиш органининг номи)	
3	Юридик манзили	
4	Алоқа телефони, факс, электрон почта	
5	Тўлиқ банк тафсилотлари	
6	Фаолиятнинг асосий йўналишлари	

IT соҳасидаги лойиҳаларни бажариш тажрибаси ҳақида маълумот

№	Лойиҳанинг номи	Буюртмачининг номи, унинг манзили ва алоқа маълумотлари	Хизмат муддати	Эслатма

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси _____

Муҳр

ИШТИРОКЧИ БЛАНКИДА

№: _____

Сана: _____

“Ўзсувтаъминот” АЖ
Харид комиссиясига

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу хат билан биз қўйидагиларни тасдиқлаймиз, _____:

(иштирокчининг номи)

- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида мавжуд эмас;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича кечиктирилган қарзлар йўқ (солиқ органининг маълумотномаси илова қилинади);
- тугатилиш ёки банкротлик босқичида эмас;
- “Ўзсувтаъминот” АЖ билан суд ёки ҳакамлик ҳолатида эмас;
- имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва/ёки молиявий операцияларни амалга оширишда ахборотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатларда ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) рўйхатдан ўтказилмаган ва банк ҳисобварақлари мавжуд эмас.

Имзолар:

Раҳбарнинг тўлиқ Ф.И.Ш. ва имзоси _____

Бош бухгалтер (молия бўлими бошлиғи) нинг тўлиқ Ф.И.Ш. ва имзоси _____

Хукуқшуноснинг тўлиқ Ф.И.Ш. ва имзоси _____

Мухр.

ИШТИРОКЧИ БЛАНКИДА

№: _____
Сана: _____

**“Ўзсувтаъминот” АЖ
Харид комиссиясига**

**Харид жараёнида коррупция кўринишларига йўл қўймаслик юзасидан
Ариза**

Мазкур ариза билан, “Ўзсувтаъминот” АЖнинг тизимидағи ташкилотлар учун веб-сайт жорий этиш, шунингдек сайтларни ва тизимларни техник қўллаб-кувватлаш бўйича танлаш билан боғлиқ давлат харидлари жараёнида коррупция ва қонунчиликнинг бошқача тарзда бузилишларига олиб келадиган хатти-харакатларни амалга оширмасликни маълум қиласман.

Шу билан бирга, манфаатлар тўқнашуви ҳамда давлат харидларини амалга оширишда таъсир қилиши мумкин бўлган шахсий манфаатлар юзага келганда ёки тахмин қилинаётган манфаатлар тўқнашувининг аломатлари тўғрисида харид комиссиясини дарҳол хабар бериш мажбуриятини оламан.

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

Муҳр

II. ТЕХНИК ТОПШИРИҚ.

“Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти тизимидағи ташкилотлар учун веб-сайтлар жорий этиш, шунингдек сайтлар ва жамият ахборот тизимларини техник қўллаб-қувватлаш

Бажариладиган ишлар рўйхати.

- 1) “Ўзсувтаъминот” АЖнинг тизимидағи ташкилотлар учун 17 та веб-сайт жорий этиш, шунингдек уларни техник қўллаб-қувватлаш ва маълумотларини серверларга жойлаштириш ва сақлаш.
- 2) Uzsuv.uz расмий веб-сайти, ҳамда Water-Lab, Suvni Asra ва C-Water тизимларини техник қўллаб-қувватлаш ва маълумотларини серверларга жойлаштириш ва сақлаш.
- 3) Figma ва Flaticon тизимлари учун лицензия олиш.
- 4) Сув таъминоти ва канализация соҳасида 4 та юқори сифатли видео лавҳалар яратиш.
- 5) Байрамлар учун дизайнер постлар ишлаб чиқиш.

- 1) “Ўзсувтаъминот” АЖнинг тизимидағи ташкилотлар учун 17 та веб-сайт жорий этиш, шунингдек уларни техник қўллаб-қувватлаш ва маълумотларини серверларга жойлаштириш ва сақлаш.

Умумий мълумот

Веб-сайтни ривожлантиришнинг мақсад ва истиқболлари

Ушбу ҳужжат “Ўзсувтаъминот” АЖ ва унинг тизимидағи ташкилотлари учун 17 та веб-сайт жорий этиш, шунингдек уларни техник қўллаб-қувватлаш ва маълумотларини серверларга жойлаштириш ва сақлашни тавсифлайди.

Лойиҳа доирасида қуидагилар амалга ошириш зарур:

1. Сайтларининг ягона архитектурасини ишлаб чиқиш;
2. Сайтларнинг маъмурий модулини ишлаб чиқиш ва созлаш;
3. uzsuv.uz сайти асосида фронт-энд ишлаб чиқиш;
4. Сайтларнинг ўзаро таъсир механизмини ишлаб чиқиш;
5. Сайтдан фойдаланиш учун ҳужжатларни тайёрлаш.

Иш кўламининг қисқача тавсифи

“Ўзсувтаъминот” АЖнинг узсув.уз амалдаги сайти дизайнни ва архитектураси асосида “Қорақалоқ сув таъминоти”, “Сирдарё сув таъминоти”, “Андижон сув таъминоти”, “Тошкент сув таъминоти”, “Бухоро сув таъминоти”, “Фарғона сув таъминоти”, “Жиззах сув таъминоти”, “Қашқадарё сув таъминоти”, “Тошкент шаҳар сув таъминоти”, “Навоий сув таъминоти”, “Мусаффо оби ҳаёт”, “Наманган сув таъминоти”, “Дам хўжа сув таъминоти”, “Самарқанд сув таъминоти”, “Чимган-Чорвок сув таъминоти”, “Сурхандарё сув таъминоти” учун веб сайтларни жорий қилиш. Техник тавсифи ва функцияси келтирилган.

Шунингдек, тақдим этилган тўлиқ экранли версияга асосланиб, сайтларнинг (мобил) адаптив версияси яратилиши керак.

Сайт дизайнининг архитектураси uzsuv.uz веб сайти асосида ишлаб чиқилади.

Ижрочи сайтларни бошқариш учун зарур бўлган барча функционалларини тақдим этади. Шунингдек, ижрочи томонидан ходимларни сайтларни бошқаришга ўқитиши керак.

Тизим таснифи

Тизим тилини қўллаб-қувватлаш. Сайт икки тилни қўллаб-қувватлаши керак: рус ва Ўзбек (лотин). Сайтнинг исталган бўлимида тилларни ўтишда фойдаланувчини асосий саҳифага қайта йўналтириш керак эмас, балки бир хил саҳифада қолиш керак.

Браузерларда сайтларнинг ишлашига қўйиладиган талаблар. Сайтнинг тўлиқ версияси қўйидаги браузерларда тўғри кўрсатилиши керак:

- Internet Explorer 8.0 ва ундан юқори;
- Opera 10.0 ва ундан юқори;
- Mozilla Firefox 3.6 ва ундан юқори;
- Google Chrome 10.0 ва ундан юқори;
- ПС ва Mac 4.1.3 ва ундан юқори бўлган сафари.

Тестлаш. Сайтларни топширишдан олдин функционал амалга оширилиши керак (техник топшириқ ва юклатилиши асосида).

Тезлик. Сайтларнинг барча саҳифалари 3 сониядан кўп бўлмаган вақтни юклаши керак.

Хавфсизлик талаби. Тизимлар Ўзбекистон Республикасининг қабул қилинган меъёрий-хуқуқий ҳужжатларига мувофиқ хавфсизлик хизмати стандартларига риоя этиши шарт.

Хуқуқларни ажратишга қўйиладиган талаб.

Тизимлар таркибий бошқарувчилар хуқуқларининг тўғри ажратилишини тъминлаши керак. Администраторлар алоҳида модулда фойдаланувчи гуруҳига киришни бошқаришлари мумкин.

Тизимнинг асосий дастурий тъминоти инкор ва рухсатсиз кириш ҳужумларига маълум заифликлар текширилиши керак.

Тизимни диагностика қилиш талаби. Тизим воқеа журналини киритиши керак. Журналда сайтдаги барча хатолар, шунингдек, фойдаланувчиларнинг қўйидаги ҳаракатлари сақланиши керак:

- CMSга кириш ва чиқиши;
- Таркибни яратиш, ўзгартириш ва ўчириш.

Каптча. Сайтларда каптча сифатида рекаптча тизимидан фойдаланилади.

Сайтларнинг тузилиши. Сайт тузилмалари "Ўзсуvtाъминот" Ажнинг uzsuv.uz сайти асосида ишлаб чиқилиши керак.

Медиа Галерея. Медиа галерея - бу оммавий ахборот воситалари файлларининг омбори. Бу қўйидаги файл турларини қўллаб-қувватлайди:

- Jpg, jpg, png гифформатларидаги расмлар;
- Видео mp4, m4v, mov, wmv, mpg, avi форматларида.

Медиа галерея қўйидаги имкониятларни қўллаб-қувватлаши керак:

- Бир нечта файлларни бир вақтнинг ўзида юклаб олиш;
- Галереяда медиа файлни кўриш;
- Медиа мазмунини тузиш учун папкаларни яратиш.

Интерактив харита. Харитада "Ўзсуvtाъминот" Ажнинг ҳудудий бўлимларининг барча бўлинмалари кўрсатилиши ҳамда уларнинг веб сайтларига ҳавола кўрсатилаши керак.

Контентни бошқариш тизими(CMS)

Контентни бошқариш тизими PHP 7 асосида қурилади.

CMS нинг асосий модуллари.

Навигация. Навигация модули сайтнинг асосий бўлимлари ва кичик бўлимларини бошқариш имконини беради, шунингдек, кўрсатилган элементларни бош ва хедерда созлаш имконини беради.

Навигация и танлаш. Саҳифада иккита тугма мавжуд:

Хедер – Хедер бўлимлари рўйхатига ўтиш

Фотер - Фоотер бўлимлари рўйхатига ўтиш.

Бўлимлар рўйхати. Бўлимлар рўйхатида бўлимлар ҳақида умумий мълумотлар табулар шаклида келтирилган. Сайтнинг рус тилидаги версияси учун мълумотлар кўрсатилади. Жадвалда қўйидаги майдонлар мавжуд:

1. Бўлим номи;
2. URL - бўлим саҳифасига bog'ланиш;
3. Кўриниш (Ҳа/Йўқ) – сайтнинг бир бўлими кўриниб турган-кўринмаслигини кўрсатади;
4. Буюртма – блокнинг ҳозирда таҳрирланганлигини ёки йўқлигини кўрсатади. Агар блок таҳрирланган бўлса, у бошқа фойдаланувчилар томонидан таҳрирланмайди.

Ҳар бир бўлимда иккита тугма мавжуд:

1. Таҳрирлаш – бўлимни таҳрирлаш имконини беради. Бўлимни ўзгартиришга ўтиш.
2. Ўчириш – сиз бўлим мини ўчириш имконини беради. Уни босиш сиздан амални тасдиқлашни сўраган очилган ойнани очади.

Бўлимни босиш шунга ўхшашиб шаклдаги кичик бўлимлар рўйхатини очади.

Саҳифада қўйидаги элементлар ҳам мавжуд:

1. Саҳифада кўрсатилган бўлимлар сони билан рўйхатни туширинг. Мантиқий қийматлар 10, 25, 50, 100. Одатий бўлиб, 25 саҳифа кўрсатилади;
2. Саҳифаларни алмаштириш учун жорий саҳифа, орқага тугма ва Forward тугмаси;
3. Бўлимларнинг умумий сони ва кўриш оралиғи;
4. "Бўлим қўшиш" тугмаси, у билан янги бўлим яратишингиз мумкин;
5. Навигация занжири-кўриладиган саҳифага йўл кўрсатади.

Бўлим қўшиш ёки таҳрирлаш. Ушбу саҳифада сиз бўлим учун созламаларни кўрсатасиз. Бошқа майдонлар:

1. Исл – матн, 3 тадан кам бўлмаган, 32 белгидан ошмаган;
2. URL;
3. Кўриниш;
4. Тартиб

5. Бўлимлар билан очиладиган рўйхат.

Мазкур саҳифани пастида учта тугма мавжуд:

1. Сақлаш – ўзгаришларни сақладиган тугма;
2. Бекор қилиш - бўлимни ва барча кичик бўлимларни ўчиради. Ўчиришдан олдин тасдиқлаш ойнаси кўрсатилади.

Шаблонлар. Жадвал шаклидаги андозалар рўйхати. Жадвалда сайплар учун қўйидаги майдонлар кўрсатилади:

1. Сарлавҳа;
2. Таъриф;
3. Ўзгартириш санаси;

4. Ҳолати.

Ҳар бир саҳифада иккита тугма мавжуд:

1. Таҳрирлаш – саҳифани таҳрирлаш имконини беради. Саҳифани ўзгартеришга ўтиш;
2. Ўчириш – саҳифани Ўчириш имконини беради. Ўрнатишдан олдин тасдиқлаш ойнаси очилади.

Саҳифада қуидаги элементлар ҳам мавжуд:

1. Саҳифада кўрсатилган элементлар сони билан рўйхатни туширинг. Мантиқий қийматлар 10,25,50,100. Одатий бўлиб, 25 та шаблон кўрсатилади;
2. Саҳифаларни алмаштириш учун жорий саҳифа, орқага тугмаси ва олдинга тугмаси.

Шаблонларнинг умумий сони ва кўриш оралиғи.

4. "Шаблон қўшиш" тугмаси, бу билан янги саҳифа яратишингиз мумкин.

Шаблонни яратиш ёки ўзгартериш. Қуидагилар кўрсатилади:

1. Шаблон номи;
2. Шаблоннинг тавсифи;
3. Шаблоннинг мазмуни HTML коди.

Бет. Саҳифа модули сайт саҳифаларини бошқариш имконини беради.

Саҳифа яратиш ва таҳрирлаш. Саҳифа параметрлари 4 блокка бўлинади.

1. Умумий:
 - 1.1. Титул;
 - 1.2. URL;
 - 1.3. Асосий саҳифа;
 - 1.4. Қисқача тавсиф;
 - 1.5. Асосий таркиб.
2. Мақсад:
 - 2.1. Сарлавҳа;
 - 2.2. Калит сўзлар;
 - 2.3. Таърифи.
3. Бошқа:
 - 3.1. Шаблон.
4. Нашр:
 - 4.1. Ҳолат (бепул/банд);
 - 4.2. Кўриниш;
 - 4.3. Нашрнинг бошланиш санаси;
 - 4.4. Нашрнинг якунланган санаси – агар ҳеч нарса кўрсатилмаса, бу абадий нашр этилади.

Майдоннинг пастида учта тугма мавжуд:

1. Таҳрирлаш – бўлимни таҳрирлаш имконини беради. Бўлимни ўзгартеришга ўтиш;
2. Ўчириш – сиз бўлимни ўчириш имконини беради. Уни босиш сиздан амални тасдиқлашни сўраган очилган ойнани очади.
3. Кўриб чиқиш - саҳифанинг сайтда қандай кўринишни кўриш имконини беради. View саҳифани нашр этмайди. Кўриб чиқиш янги ойнада очилади.

Саҳифалар рўйхати. Табулар шаклида саҳифалар рўйхати. Жадвалда қуидаги сайт майдонлари кўрсатилади:

1. Сарлавҳа;
2. URL;
3. Ҳолати;
4. Кўриниш.

Ҳар бир саҳифада иккита тугма мавжуд:

1. Таҳрирлаш – саҳифани таҳрирлаш имконини беради. Саҳифани ўзгартиришга ўтиш;
2. Ўчириш – саҳифани ўчириш имконини беради. Ўрнатишдан олдин тасдиқлаш ойнаси очилади.

Саҳифада қуидаги элементлар ҳам мавжуд:

1. Саҳифада кўрсатилган элементлар сони билан рўйхатни туширинг. Мантиқий қийматлар 10,25,50,100. Одатий бўлиб, 25 та шаблон кўрсатилади;
2. Саҳифаларни алмаштириш учун жорий саҳифа, орқага тугмаси ва олдинга тугмаси.

Шаблонларнинг умумий сони ва кўриш оралиғи.

4. "Шаблон қўшиш" тугмаси, у билан янги саҳифа яратишингиз мумкин.

Оммавий ахборот воситалари. Медиа модул медиа файлларни бошқариш имконини беради. Медиа файллар икки хил бўлиши мумкин - расмлар ва видеолар.

Медиа файллар рўйхати. Рўйхат икки қисмдан иборат - навигатсия дарахти ва асосий ойна.

Навигация. Медиа обьектлар учун жилд тузилишини назорат қилиш имконини беради.

Асосий ойна. Асосий саҳифада навигатсия дарахтининг танланган папкасида жойлашган медиа файллар ко'рсатилади.

Файл кўрсатиш икки режимда мавжуд:

1. Рўйхат – номи, ўлчами, санаси;
2. Миниатюралар – номи, ўлчами, санаси, миниатюра.

Медиа файллар билан мавжуд амаллар:

1. Кўриш;
2. Кўчириш;
3. Нусха кўчириш;
4. Қўшимча;
5. Ўчириш.

Модул бир вақтнинг ўзида бир нечта файлни қўшилиши керак.

Фойдаланувчилар. Фойдаланувчилар ва группалар группалар стандарт Active Directory механизмларидан фойдаланган ҳолда синхронлаштирилади.

Қўшимча CMS модуллари.

Қидириш. Сайтнинг контекстини, саҳифа сарлавҳаларини ва матн қидиради. Қидирув натижалари сайтнинг асосий бўлимларига бўлинади. Модул асбоблар учларини қўшиш ва таҳрирлашни кўллаб-куватлайди, бу сайтдаги қидирув шаклида биринчи белгиларни киритганингизда кўрсатилади.

Визуал редактор. Визуал муҳаррири форматланган матн киритиш учун ишлатилади.

Визуал редактор қуидаги имкониятларни кўллаб-куватлайди:

1. Таркибни икки шаклда кўриш – визуал;
2. Мавжуд ҳаракатлар рўйхати:
 - 2.1. Матнни кесиш, нусхалаш ёки қўйиш;
 - 2.2. Бекор қилиш, қайта тиклаш;
- 2.3. Мақсадли боғланишни кўрсатиш имконияти мавжуд бўлган саҳифа ёки файлга боғланишни қўйиш;
- 2.4. Рақамланган рўйхатни қўйиш;

- 2.5. Матнга қалин ёки италик услубини ўрнатиш;
 - 2.6. Горизонтал бар, расм, жадвал, махсус белги қўйиш. Расмни текислаш (чап ёки ўнг), баландлик, кенглик, чегарани ўрнатиш мумкин;
 - 2.7. Матнга услублардан бирини белгилаш.
3. Рус ва Ўзбек тилларида имлони текшириш имконияти. Ҳар бир ёзилган сўз луг'атга нисбатан текширилади. Мълумотлар базасида ёзма сўз бўлмаганда, сўз ўзгача бўлмоғи лозим.

Қўшимча талаб. "Ўзсувтаминон" АЖ худудий бўлинмалари учун 17 та сайтни ишлаб чиқиш доирасида серверга мълумотларни жойлаштириш ва сақлаш учун техник кўмак кўмаклашиш зарур.

2) Uzsuv.uz расмий веб-сайти, ҳамда Water-Lab, Suvni Asra ва C-Water тизимларини техник қўллаб-қувватлаш ва маълумотларини серверларга жойлаштириш ва сақлаш

Ушбу техник топшириқнинг предмети (кейинги ўринларда – ТП) "Ўзсувтъминот" АЖ (кейинги ўринларда – буюртмачи деб аталади) ахборот тизимлари фойдаланувчилари билан бирга хизмат кўрсатишга қўйиладиган талабларни аниқлашдан иборат.

1.Хизматлар таркиби.

Ахборот тизимларидан фойдаланувчиларнинг ишини қўллаб-қувватлаш асосида қўйидаги хизматлар кўрсатилиши тушунилади:

- Ахборот тизимлари дастурий тъминотини кенгайтирилган техник қўллаб-қувватлаш, жумладан: хатоликларни тузатиш (шу жумладан фойдаланувчилар айбидан келиб чиқадиган), носозликларни бартараф этиш, маълумотларни тузатиш, маълумотларни автоматлаштирилган юклаш ва юклаш, дастурий таъминотнинг маъмурий мосламаларини ўзгартириш, фойдаланувчиларни ташкил этиш, рол ва ваколатларни қайта созлаш, объектларни яратиш, Буюртмачининг фойдаланувчиларига оғзаки ва ёзма консультациялар бериш.

Ахборот тизимларини ҳужжатлаштириш ва ахборот билан тъминлаш: қўлланмалар, меъёрий ҳужжатлар ва кўрсатмаларни янгилаш, янгиланишлар ва дастурий таъминотни такомиллаштиришларни синаш ва ўрнатиш, иш натижаларига кўра созламалардаги ўзгаришларни тавсифлаш, Буюртмачи томонидан амалга ошириладиган ахборот тизимлари алгоритмларини таҳлил қилиш ва оптималлаштириш, ахборот тизимлари дастурий таъминотини такомиллаштириш ва ўзгартиришлар киритиш учун техник кўрсатма тайёрлаш.

- Uzsuv.uz веб сайтида ичимлик ва оқова сув хизматлари учун электрон тўловлар функциясини жорий этиш.

Хизматлар Мижозга ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг аризалари (оғзаки ёки ёзма сўровлари) асосида тақдим этилади.

2. Хизмат кўрсатиш ахборот тизимлари рўйхати:

- 2.1. Қўйидаги ахборот тизимларидан фойдаланувчиларнинг ишини қўллаб-қувватлаш бўйича хизматлар кўрсатиш:

Ахборот тизимлари рўйхати		Сони
№	Номи	
1.	Веб-сайт «uzsuv.uz»	1

2.	Water Lab ахборот тизими	1
3.	Suvni Asra ахборот тизими	1
4	C-Water ахборот тизими	1

2.2. Хизмат кўрсатган ахборот тизимларига ташқи ахборот тизимлари ва ресурслари билан интеграция ва ахборот алмашинуви элементлари ҳам киради.

2.3. Шунингдек, хизмат кўрсатиладиган ахборот тизимлари таркибига хизмат кўрсатиш жараёнида ишлатилиши мумкин бўлган алоҳида ёрдамчи нусхалари ёки нусхалари (тест қилиш, диск, таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун ишлатиладиган) киритилади.

2.4. Юқорида кўрсатилган тизимларнинг мълумотларини хостинг ва сақлаш учун серверларни тақдим этиш.

3. Хизмат тартиби ва сифатини назорат қилиш:

Буюртмалар, уларни бажариш муддатлари ва Пудратчининг меҳнат харажатлари мижознинг марказлашган фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш хизмати томонидан қўлланиладиган қўллаб-куватлаш сўровларини (кейинги ўринларда Service Desk тизими деб аталади) амалга ошириш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимида ва / ёки хизмат кўрсатиш журналида (хизмат кўрсатиш шартномасида белгиланган шаклда) қайд этилади.

3) Figma ва Flaticon тизимлари учун лицензия олиш

Figma.com тизими ва Flaticon.com белгилар сайти учун лицензияларини сотиб олиш

figma.com тизими учун керак лицензия:

Узбек тили	Рус. тили
Фигма Профессионал	Figma Professional
Чексиз сонли файллар ва лойиҳалар	Неограниченное количество файлов и проектов.
Чексиз версия тарихи	Неограниченная история версий.
Рухсат алмасиши	Совместное использование разрешений
Хусусий лойиҳалар	Частные проекты
Жамоа кутубхоналари	Командные библиотеки
Аудио сұхбатлар	Аудио разговоры
Муддати: 12 ойга	Срок: на 12 месяцев

flaticon.com сайти учун керакли лицензия:

Узбек тили	Рус. тили
+6 ОМ форматидаги белул пиктограммалари ва стикерлари	+6. ОМ бесплатные иконки и наклейки в формате PNG
+6.0M SVG. ЭПС. PSD & BASE64 форматдаги нишончалар ва стикерлар	+6.0M иконок и наклеек в форматах SVG. ЭПС. PSD & BASE64
Ҳеч қандай атрибут талаб қилинмайди	Атрибуция не требуется
Чексиз юклаб олишлар	Неограниченное количество загрузок
Чексиз тўпламлар	Неограниченные коллекции
Таҳрирчидан чексиз фойдаланиш	Неограниченное использование

	редактора
Устувор ёрдам	Приоритетная поддержка
Рекламасиз	Без рекламы
Муддати: 12 ойга	Срок: на 12 месяцев

4) Сув таъминоти ва канализация соҳасида 4 та юқори сифатли видео лавҳалар яратиш

Видеолар сони: 4 та.

Хизматлар номи: Сув таъминоти ва канализация соҳасида 4 та юқори сифатли видео лавҳалар яратиш.

Талаб:

Ишлаб чиқишининг мақсади: аҳолининг ичимлик суви ва канализация билан боғланган хабардорлигини ошириш, шунингдек, "Ўзсувтъминот" АЖ фаолиятини ёритиш.

Мақсадли тингловчилар: Асосий мақсадли аудитория – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Давомийлиги: 5 дақиқагача.

Формат: Фотореалистик Full-CG графикаси ўлчами 720р.

Фильмнинг товуш ва мусиқий дизайнни: Диктор. Товуш эффектлари. Муаллиф мусиқаси.

Малака талаблари, иш тажрибаси: Фотореалистик графика яратиш, архитектура визуализацияси, зарралар билан анимация эффектлари, футуристик қурилмаларни ишлаб чиқиши тажрибаси. CG бозорида тажриба - камида уч йил.

Видеокузатув скрипти "Ўзсувтъминот" АЖ раҳбарияти билан ҳамкорлиқда ишлаб чиқилади ва скриптни "Ўзсувтаъминот" АЖ раҳбарияти билан биргаликда ташкиллаштиргандан сўнг видеороликни ишлаб чиқиши бошланади.

5) Байрамлар учун дизайнер постлар ишлаб чиқиш.

Хизматлар номи: Ўзбекистон Республикасининг барча расмий байрамлари.

Баннерлар сони: Ўзбекистон Республикасининг барча байрамлари учун.

Ишлаб чиқишининг мақсади: аҳолининг ичимлик суви ва канализация билан боғланган хабардорлигини ошириш, шунингдек, "Ўзсувтъминот" АЖ фаолиятини йўлга қўйиш.

Мавзуу: Мавзуу байрамларга боғлиқ бўлади, сув мавзулари қўшилади.

Иштирокчига қўйилладиган қўшимча талаблар:

- 1) Иштирокчи 1 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига ега бўлиши лозим;
- 2) Иштирокчининг штат жадвалида 10 кишидан кам бўлмаган дастурчилари мавжуд бўлиши керак;
- 3) Иштирокчининг штатида қуйидаги мутахассислар бўлиши шарт:
 - Backend дастурчилари;
 - «QA» мутахассиси;
 - «UI/UX» дизайнери.
- 4) IT-Парк резиденти бўлиши мақсадга мувофиқ;
- 5) Камида 5та шунга ўхшаш тизим ишлаб чиқсан бўлиши шарт;
- 6) Етарлича моддий техник базага эга бўлиши керак;
- 7) Иштрокчи жамоасида муаммоларни тезкор ҳал қилиш механизми йўлга қўйилган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Қуйидаги техник талабларга жавоб берниш керак:

- Backend учун Python дастурлаш тилидан фойдалана олиши;

- Front-end учун Javascript дастурлаш тили ва Vue (NuxtJS)дан фойдалана олиши;
- Postgresql маълумотлар омборида ишлай олиши;
- Ҳисботларни Excel кўринишида генерация қилиш бўйича тажрибаси мавжудлиги;
- Ҳар бир модулни ишга туширишда DevOps методидан фойдаланиши;
- REST API орқали маълумотлар алмашинувидан фойдаланиш.

III. МОЛИЯВИЙ ҚИСМ

1	Танлашнинг энг юқори қиймати	240 000 000 (икки юз қириқ миллион) сўм ҚҚСиз.
2	Молия манбаи	“Ўзсувтаъминот” АЖнинг ўз маблағлари
3	Тўлов шартлари.	<p>Буюртмачи шартнома бўйича хизматлар учун шартнома суммасининг 15 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида, шартнома тузилган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида, олдиндан ҳақ тўлайди.</p> <p>Қолган маблағлар, шартнома Иловасида кўрсатилган муддатлар ва миқдорларда, хизматларнинг бажарилганлиги тўғрисидаги далолатномалар Буюртмачи томонидан қабул қилингандан сўнг 10 (ўн) иш куни ичида тўланади.</p>
4	Тўлов валютаси	UZS – Ўзбекистон Республикаси сўми
5	Ишни бажариш муддати	2022 март – 2022 декабрь
6	Танлаш таклифининг амал қилиш муддати	Танлаш ўтказилган кундан эътиборан 90 кундан кам бўлмаслиги шарт.

Изоҳ: - Танлаш таклифининг қиймати танлов ҳужжатларининг қийматидан ошмаслиги лозим.

IV. БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

т/р	Босқич	Улуши (%)	Изоҳ
1	Малакавий-техник баҳолаш	70	
2	Молиявий баҳолаш	30	

1-босқич: Иштирокчилар таклифларини малакавий-техник баҳолаш тартиби ва мезонлари

Иштирокчиларнинг таклифларини малакавий-техник баҳолаш харид комиссияси томонидан амалга оширилади. Агар иштирокчи томонидан керакли маълумотлар тақдим етилмаса, харидлар комиссияси уни танлашдан четлатишга ҳақли.

№	Мезонлар	Баҳолаш	Изоҳ
1	“Ўзсувтаъминот” АЖ билан суд ёки ҳакамлик ҳолатида	ҳа – 0 балл; йўқ – 10 балл. (иштирокчининг кафолат хати)	

		(2-шакл) ва буюртмачи маълумотлари асосида кўрилади)	
2	Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик юзасидан ариза	бор – 10 балл; йўқ – 0 балл. (иштирокчининг аризаси (3-шакл) асосида кўрилади)	
3	Иштирокчининг иш тажрибаси	3 йилдан ортиқ – 15 балл; 1-3 йил-10 балл; 1 йилдан кам – 5 балл. (тасдиқланиши шарт)	
4	IT-Парк резиденти бўлиши	бор – 20 балл; йўқ – 0 балл. (сертификат илова қилинади)	
5	IT соҳасидаги лойиҳаларни бажариш тажрибаси ҳақида маълумот	5-10 лойиҳа – 5 балл; 11-20 лойиҳа – 10 балл; 21-30 лойиҳа – 15 балл; 30 дан ортиқ лойиҳа – 20 балл; (тасдиқланиши шарт (1-шакл))	
6	Шунга ўхшаш тизим ишлаб чиқсанлиги тўғрисида маълумот	1-4 тизим – 5 балл; 5-10 тизим – 10 балл; 10 дан ортиқ тизим – 20 балл; (тасдиқланиши шарт (1-шакл))	
7	Дастурчи ходимларнинг умумий сони	9 ходимгача – 0 балл; 10 ходим – 5 балл; 11-15 ходим -10 балл; 16 дан ортиқ ходим – 20 балл (тасдиқланиши шарт)	
8	Иштирокчи штатида «Backend» дастурчилар мавжудлиги	1-3 ходим – 5 балл; 3-5 ходим – 10 балл. 6 ходимдан ортиқ – 15 балл. (тасдиқланиши шарт)	
9	Иштирокчи штатида «QA» мутахассис мавжудлиги	1 ходим – 5 балл; 2-3 ходим – 10 балл. 4 ходимдан ортиқ – 15 балл. (тасдиқланиши шарт)	
10	Иштирокчи штатида «UI/UX» дизайнер мавжудлиги	1 ходим – 5 балл; 2-3 ходим – 10 балл. 4 ходимдан ортиқ – 15 балл. (тасдиқланиши шарт)	
11	Backend учун Python дастурлаш тилидан фойдалана олиши	ҳа – 5 балл; йўқ – 0 балл. (тасдиқланиши шарт)	
12	Front-end учун Javascript дастурлаш тили ва Vue (NuxtJS)дан фойдалана олиши	ҳа – 5 балл; йўқ – 0 балл. (тасдиқланиши шарт)	
13	Postgresql маълумотлар омборида ишлай олиши	ҳа – 5 балл; йўқ – 0 балл. (тасдиқланиши шарт)	
14	Ҳисоботларни Excel кўринишида генерация қилиш бўйича тажрибаси мавжудлиги	ҳа – 5 балл; йўқ – 0 балл. (тасдиқланиши шарт)	

2-босқич: Таклифларни молиявий қисмини баҳолаш.

